

7 октябрь – Бутунжаҳон муносиб меҳнат куни



Сирдарё
вилояти

Касаба уюшмаси аралашгач...

Бердиев ўз ишига тикланди

Рустам Бердиев «Сирдарёэкспертиза» масъулияти чекланган жамиятида бош ҳисобчи бўлиб ишларди. Иш берувчи у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилди.

Бундан норози бўлган Р.Бердиев ўз ишига тиклашларида ёрдам сўраб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгашига мурожаат қилди. Кенгаш мутахассислари масалани жойида, тегишли ҳужжатлар асосида ўрганиб чиқди. Натижада қонун талаблари бузилгани, корхона томонидан Р.Бердиев билан тузилган меҳнат шартномаси

ноқонуний бекор қилингани аниқланди. Шундан сўнг иш берувчи номига бош ҳисобчини ўз ишига тиклаш, тўланмай қолган иш ҳақи, мажбурий прогул кунлари учун ва бошқа тўловлар ҳисоб-китоб қилиниши юзасидан ҳақида тақдимнома киритилди. Касаба уюшмаси аралашуви

билан мурожаатчи ўз ишига тикланди ва унга жами 54 729 000 (эллик тўрт миллион етти юз йигирма тўққиз минг) сўм иш ҳақи ва бошқа тўловлар тўлаб берилди.

Ширинхон УМАРАЛИЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори



Тўланиши пайсалга солинган зарар пули



Андижон
вилояти

Жамолиддин Шодмонов «Избоскан тумани йўллардан фойдаланиш» унитар корхонасида қарашли 65-йўл бўлимида ишчи бўлиб ишлаб келаётган. Аммо кунлардан бир куни иш вақтида бахтсиз ҳодиса рўй берди. Оқибатда, ходим ҳалок бўлди. Унинг ортидан аёли ва бир нафар қизи бўзлаб қолаверди.

Бу не ҳолки, ушбу бахтсиз воқеадан сўнг иш берувчи унинг яқинларига товон пулларини тўлаб бермаган.

Масъул мутасаддилар вазиятни ўз назоратига олди. Текширувлар мобайнида корхона тегишли

суғурта компаниясига зарур ҳужжатларни вақтида тақдим этмагани аниқланди. Зудлик билан иш берувчига тегишли нафақа ва ойма-ой тўланиши керак бўлган маблағларни тўлаш бўйича тақдимнома киритилди. Шундан сўнг марҳум Жамолиддин Шодмонов оила аъзоларига бир марталик нафақа учун 131 миллион 102 минг 136 сўм ва аннуитет шартномаси асосида 33 миллион 627 минг 227 сўм миқдоридаги маблағ суғуртадан ундириб берилди.

Бундан ташқари, ўрганишлар чоғида қатор камчиликлар аниқланди. Ходим билан содир бўлган ҳалокатга ҳам айнан шу камчиликлар сабаб бўлган. Хусусан, корхона ишчиларининг

биронтаси меҳнат хавфсизлиги бўйича ўқитилмаган. Боз устига йиллар давомида меҳнат хавфсизлигига умуман эътибор қаратилмаган.

Аниқланган камчиликлар юзасидан корхона раҳбаритига тегишли кўрсатмалар, ишчи-ходимларга эса меҳнат қонунчилиги, ҳақ-хуқуқ ва мажбуриятлар, техника хавфсизлиги бўйича тушунтиришлар берилди.

Дилшодбек ҚАЮМОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Андижон вилояти кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича етакчи мутахассиси



Қашқадарё
вилояти

Йиғилиш

Қарши шаҳрида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қашқадарё вилояти кенгашининг 9 ойлик ажунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

МУҲИМ ВАЗИФАЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қашқадарё вилояти кенгаши раиси Бахтиёр Жўраев олиб борган йиғилишда қатор долзарб масалаларга алоҳида ургу берилди. Жумладан, Миллий мониторинг гуруҳи томонидан Нишон, Қамаш, Косон, Яқкабўғ туманида олиб борилган ўрганиш натижалари, пахта йиғим-терими мавсумида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланмаслик чора-тадбирлари ҳақида сўз борди.


Таъкидландики, ўрганишлар жараёнида касаба уюшма аралашуви билан Қамаш туманидаги «Жавлонбек сифат инвест» фермер хўжалиги пахта даласида меҳнат қилаётган 65 нафар теримчига 19 732 000 сўм терим пули тўлиқ тўлатиб берилган.

Шунингдек, нодавлат сек-

ториди ишлайдиган ходимларни касаба уюшмасига жалб этиш ишларини янада жонлантириш бўйича ҳар бир тарғмоқ ва туман кенгаши фаолияти таҳлил қилиниб, зарур таъсирлар берилди.

Йиғилишда «Энг яхши сектор раҳбари», «Энг яхши ҳоким ёрдамчиси», «Энг яхши профилактика инспектори», «Энг яхши хотин-қизлар фаоли», «Энг яхши маҳалла раиси», «Энг яхши ёшлар етакчиси» танловларининг вилоят босқичини уюшқоқлик билан ва адолатли тарзда ўтказиш, бундан ташқари, бошланғич ташкилотларда меҳнат қилаётган илғор ходимларни аниқлаш ва уларни рағбатлантиришга оид тегишли кўрсатмалар берилди.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»



Ханчжоудан хушхабарлар



«Ханчжоу – 2022» Осиё ўйинлари ётада қизғин ва муросасиз кечмоқда. Ҳозирча олтин медалларимиз сони 20 тага етди. Ўзбекистон 1994 йилдан буён Осиё ўйинларида қатнашиб келаётган бўлиб, шу йиллар давомидаги иштирокида спортчиларимиз энг кўп олтинни 2018 йилда Жакартада бўлиб ўтган Осиё ўйинлари мусобақасида (20 та олтин) қўлга киритган. Воқеалар ривожига кўра ушбу натижа янги-янгилари мумкин.


5 октябрь куни бўлиб ўтган ўйинлар ҳам спортчиларимиз учун омадли келди. Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, Халқаро тоифадаги спорт устаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига қарашли Республика ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактаби спортчиси Муҳаммадқодир Тоштемуров 81 кг. вазнда беллашувларни яқунлаб, Осиё ўйинлари совриндори – кумуш медал соҳибига айланди.

У 81 кг. вазнда даст кўтаришда 159 кг., силтаб кўтаришда 192 кг., умумий 351 кг. натижа билан 2-ўринни қўлга киритди. Яна бир спортчимиз байдарка ва канозда эшак эшиш бўйича терма жамоа аъзоси, халқаро тоифадаги спорт устаси – Владлен Денисов ҳам С1-1000 метр масофадаги бахсларда муносиб иштирок этиб, кумуш медални қўлга киритди.

Шунингдек, 6 октябрь куни Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Акбар Жўраев ҳам Осиё ўйинларининг совриндорига айланди. – 109 кг. вазн тоифасида иштирок этган спортчимиз 417 (189+228) кг. оғирликни ўзига бўйсундириб, кумуш медал соҳибига айланди. Мазкур йўналишда ғолиблик силтаб кўтариш ва икки кураш бўйича Осиё ўйинлари рекордини ўрнатган хитойлик спортчи Хуанхуа Лиу (418 (185+233) га насиб этди.

Ватандошларимизни ютуқлари билан қутлаб, улардан навбатдаги ғалабаларни кутиб қоламиз.

Ўз мухбиримиз



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

12 11 қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

Тошкент
вилояти

Мавсум қандай ўтди?

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгашида ёзги соғломлаштириш мавсуми давомида оромгоҳлар фаолияти қай тарзда олиб борилгани ва унинг яқунларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда оромгоҳларни ташкил этишда ҳамкорлик қилган мутаассадди бошқарма ва ташкилотлар вакиллари, шунингдек, болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда алоҳида жонбозлик кўрсатган ходимлар иштирок этди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши раиси Мурод Носиров мавсумда жами 160 та оромгоҳда 49 646 нафар бола дам олганини алоҳида таъкидлади.

Маълумотларга кўра, барча оромгоҳларда кутубхоналар фаолияти ташкил этилиб, улар болаларнинг ёшига мос адабининг, газета ва журналлар билан таъминланган. Шунингдек, 5 ташаббус бўйича тўғарақлар, болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида чет тилларини ўрганиш, «Моҳир кўлар», «Бисер тўқиш», «Расм чишиш», китобхонлик, санъат, турли спорт мусобақалари, компьютер саводхонлиги бўйича танловлар,

ўқувлар, викториналар ташкил этилган. Театр томошалари, бадиий, ҳужжатли фильмлар, кино ва мультфильмлар ҳамда бошқа маданий-маърифий ва спорт тадбирлари ўтказилган.

Тадбир сўнида мавсум давомида фаоллик кўрсатганлар «Энг яхши оромгоҳ бошлиғи», «Энг намунали ҳамкор», «Энг намунали кўриқлаш хизмати ходими», «Энг фаол етакчи», «Энг масъулиятли ташкилотчи» каби бир нечта номинациялар бўйича тақдирланди.

Барча фаолларга фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»



Тадбир

Тошкент
шаҳриСпорт – соғлом
турмуш гарови

Тиббиёт ходимлари беллашуви

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ижроия қўмитасининг тиббиёт муассасалари ходимлари ўртасида «Соғлиқни сақлаш вазири кубоги – 2023» спорт мусобақаларини ташкил қилиш тўғрисидаги қўшма қарори ишлаб чиқилган эди. Унга кўра, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар кенгаши ва шаҳар Соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида тиббиёт ходимлари ўртасида мусобақа уюштирилди.

Чилонзор тумани спорт мактабида бўлиб ўтган тадбирда туман ҳокими ўринбосари Алишер Ҳатамов, шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Нодир Сатвалдиев ҳамда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар кенгаши раиси Гулноза Тошпўлатова қатнашди.

Бу беллашувлар соҳа ходимларининг жисмоний фаоллигини ошириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, айти йўналишда олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида ташкил этилмоқда, – деди Гулноза Тошпўлатова кириш сўзида ва барча қатнашчиларга омад тилади.

Шундан сўнг 300 нафарга яқин эркак ва аёл иштирокида мини-футбол, стол теннис, шахмат ва шашка бўйича мусобақалар ўтказилди. Қизгин баҳсларга бой беллашувлар якунида ғолиблар аниқланди. Биринчи ўринни эгаллаган Янгиҳаёт тумани тиббиёт бирлашмаси жамоасига «Соғлиқни сақлаш вазири кубоги – 2023» топширилди. Республика босқичига йўланмани қўлга киритган ғолиблар диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Муроджон АХУНОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси
Тошкент шаҳар кенгаши етакчи мутахассиси



Саломатлик тарғиботи

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан Яшнобод туманидаги 166-умумтаълим мактабида мактабга таълим ташкилоти ва умумтаълим мактаблари педагог-ўқитувчилари, ишчи-хизматчилари ўртасида «Спорт – соғлиқ гарови» шиори остида «Тошкент шаҳар кенгаши кубоги»нинг туман босқичи ўтказилди.

Ходимларни спортнинг оммавий турларига кенг жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ўтказилган мусобақада иштирокчилар спортнинг мини-футбол, стол теннис, бадминтон, дартс, шахмат ва шашка турлари бўйича беллашдилар.

Совриндор ва номинация ғолиблари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ғулумжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»



Соғлом турмуш учун

Андижонда тиббиёт муассасалари ходимларининг жисмоний фаоллигини ошириш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида «Соғлиқни сақлаш вазири кубоги – 2023» спорт мусобақалари ўтказилди.

Қизгин кечган беллашувларда стол теннисда эркаклар ўртасида РШТЕИАМ Андижон филиали ходими Тўлқин Маликов, аёллар ўртасида виллоят юқумли касалликлар шифохонаси ходимаси Дилафруз Ортиқова, шахматда эркаклар ўртасида Шаҳрихон тумани тиббиёт бирлашмаси вакили Тўхтасин Тўлқонов, аёллар ўртасида Хонобод шаҳарчаси тиббиёт бирлашмаси ходимаси Дилрабо Қосимова, шашкада эркаклар ўртасида Ҳикматилло Ҳожиматов, аёллар ўртасида Хонобод шаҳарчаси тиббиёт бирлашмаси вакиласи Клара Мирзаева ғолиб бўлишди. Мини-футболда эса Пахтабод тумани тиббиёт бирлашмаси жамоасига тенг келадигани топилмади.

Ғолибларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Анваржон АРЗИЕВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба
уюшмаси Андижон вилояти кенгаши раиси

Сирдарё
вилояти

Ички туризм



Ўтмишга саёҳат

Яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши 54 нафар меҳнат фахрийсини Хоразм вилоятига саёҳатга юборди. Бу бахт каминга ҳам насиб этди.

Очиғи, бунгача Хоразмда бўлмаган эдим. Виллоят тасаввур қилганимдан-да гўзал ва обод экан. Айниқса, Ичан қалъа ҳақидаги таассуротларимни сўз билан ифодаб беришга бўлмайман. Ушбу обидани дунёнинг 9 та ажойиб қалъа шаҳарлари қаторига киришини айтишганда, ич-ичимдан фахр-ифтихор туйдим.

Мажмуани айланар эканман, ёғоч ўймакорлиги, сангтарошлик, ганчкорлик ва нақшошлик безаклари диққатимизни тортди. Дишон қалъа, Пахлавон Маҳмуд мақбараси, Муҳаммад Аминхон мадрасаси ва бошқа кўплаб ёдгорликлар, мазмунли обидаларни айтмайсанми!

Қадимий қадамжоларни томоша қилар эканман, ўзимни худди ўтмиш, тарих билан юзлашгандек ҳис этдим.

Мавлуда СИДДИҚОВА,
меҳнат фахрийси

Бухоро
вилояти

Сиз доимо эъзоздасиз

«Бухоро минтақавий темир йўл узели» унитар корхонаси ҳудудий касаба уюшма қўмитаси томонидан ташкилотнинг Самарқанд узелида кўп йиллар самарали меҳнат қилган, айти вақтда кексалик гаштини сўраётган 50 нафар меҳнат фахрийсининг Бухоро шаҳрига саёҳати уюштирилди.

Шунингдек, соҳада узоқ вақтдан буён фаолият юритаётган 40 нафар ишчи-ҳодим қimmatбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Насиба БОБОМУРОВОВА,
«Бухоро минтақавий темир йўл узели»
унитар корхонаси ҳудудий касаба уюшма қўмитаси
маданий-маърифий ва спорт йўриқчиси

Қашқадарё
вилояти

Полвоновнинг фаолият фалсафаси

«Ўзингда бўлмагунча, бировга беролмайсан. Ўзинг амал қилмасанг, бировни эргаштира олмайсан. Фақат ўз манфаатингни ўйласанг, ўзганинг ҳожатини чиқара олмайсан».

Юқоридаги қарашлар Қарши шаҳридаги 7-мактаб касабакўми раиси Тўйчи Полвоновнинг дунёқарашига айланиб кетган.

Мактабда жисмоний тарбия фанидан сабоқ берадиган мураббий ўғил-қизларни спортга кенг жалб қилишдан ташқари педагогларнинг ҳам соғлом турмуш тарзига амал қилишига эътибор қаратади. Ҳаракатчан

муаллимни кўпроқ галстук таққан ҳолда эмас, спорт либосида, машғулот ёки мусобақа ўтказётган ҳолда учратасиз. Таълим муассасасида ходимлар гимнастикаси машғулоти йўлга қўйилган. Тармоқ касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши томонидан шуғулланиш учун спорт анжумларининг берилиши эса айти мудида бўлган. Мусобақаларда яши кўрсаткичлар қайд этган спортсаварлар тармоқ спартакиадасига жалб қилинаётгани ҳам ўзига хос рағбат вазифасини ўтаётди.

Эътиборли томони, янги ўқув йили бошланиши арафасида мактабда катта ўзгаришлар юз берди. Спорт зали, янги ўқув бинолари қурилди, борлари таъмирланди. Таълим муассасасини айланар экансиз, замон талабларига тўла мос келадиган шароитлардан дилинги

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»

Наманган
вилояти

Дахлдорлик

Юрт эртаси учун барчамиз масъулмиз

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгаши вакиллари Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида сўзлаган нутқи ва унда кўтарилган долзарб вазифаларни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларини бошлаб юборди.

Тарғибот иши даставвал ташкилотнинг ўзида виллоятнинг энг фаол вакиллари ҳамда нуроний отахонлари иштирокида ўтказилди. Ёши улўғлиги, меҳр-оқибати ва хушхўлиги билан нафақат Наманган аҳлига, балки бутун юртимизга танилган Ҳасан ва Ҳусан ота Ботировларнинг ушбу тад-

бирда қатнашганидан англадикки, юрт эртаси учун ҳар биримиз бирдек масъулмиз.

Бутун оламга тинчлик сўраб дуога кўл очган нуроний отахонларнинг ҳар сўзида шукроналик ва эртанги кунга ишонч уфуриб турганлиги иштирокчиларни мамнун қилди.

Мана шундай тарғибот тадбирлари эндиликда барча корхона ва ташкилотларда ўтказилди.

Орзуғул РУСТАМОВА
«ISHONCH»

Хоразм
вилояти

Ижтимоий шериклик

Ҳар аъзога елкадош



Шубҳасиз, ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва уларни ўз вақтида ҳал этишда ўзаро ҳамфикрлик ва шерикликнинг аҳамияти катта. Урганч тумани тиббиёт бирлашмаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномаси билан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоя қилинмоқда.

Зарарли иш шароитида ишлаётганлар учун устама ҳақ, хизмат сафари, ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллар ўз вақтида берилмоқда. Шунингдек, меҳнат фахрийлари ва ишлаётган пенсионерлар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ёш болали, ногирон боласи бор оилаларга эътибор кучайтириляпти.

Тахлилларга кўра, йилнинг ўтган даврида бу каби тадбирлар учун ҳар бир ходимга сарфланган қўшимча манфаатдорлик маблағи миқдори салкам 1 миллион 600 миң сўмни ташкил қилган. Ходимлар ва уларнинг оила

аъзоларини соғломлаштириш масаласи ҳам касаба уюшмасининг доимий диққат эътиборида. 2022 йил ва 2023 йилнинг ўтган даврида 30 нафар ходимга ижтимоий сўғурта маблағлари, 20 нафар ходимга касаба уюшма ҳисобидан санаторийларга йўланмалар ажратилди. Беш нафар тиббиёт ходими Халқаро ҳамширалар кунини муносабати билан Тошкент шаҳрига саёҳатга юборилди. Бир қатор ходимларга касаба уюшмаларининг қimmatбаҳо совғалари топширилди.

Мини-футбол бўйича жамоа шакллантирилиб, футбол тўпи ва

спорт кийимлари олиб берилди. 50 нафар ходимга 12 миллион сўмлик моддий ёрдам пули берилди.

Ёзги мавсумда қирқ нафарга яқин ходимнинг фарзандлари виллоятдаги сўлим оромгоҳларда дам олиб қайтишди. Умуман, фарзандларимизга эътибор ва ғамхўрлик бўлакча. Мисол учун, Янги йил муносабати билан 1680 нафар касаба аъзосининг фарзандлари учун байрам совғалари топширилган эди. Янги ўқув йили бошланиши арафасида эса кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга мўҳтоб оилалар фарзандларига 120 дона мактаб суммаси тарқатилди.

Фаолият давомида меҳнат муҳофазаси масаласи ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Ходимлар учун муносиб иш шароитлари яратилган. Иш берувчи ҳисобидан бепул иш кийимлари билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Тиббий кўриқ маблағлари иш берувчи ҳисобидан қоплаб берилмоқда.

Албатта, олдинда амалга оширилаётган вазифалар кўп. Куз-қиш мавсумида чекка қишлоқларда фаолият кўрсатувчи тиббиёт ходимлари меҳнатини муҳофазаси қилиш, аъзоларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, асосийси, ҳар бир касаба аъзосига елкадош бўлиш учун ижтимоий шериклик асосида барча чораларни кўрамиз.

Манзура ЖУМАНОВА,
Урганч тумани тиббиёт
бирлашмаси касаба уюшма
қўмитаси раиси

Бошланғич ташкилотларда

яйраб, кўзингиз қувнайди.

– Спорт залимиз йўқ эди. 24x12 ўлчамли залнинг қурилгани барчани хурсанд қилди, – дейди Тўйчи полвон. – Энди залда «ҳаёт қайнайди». Машғулот ва мусобақаларимиз янада кўпаядиган бўлди.

– Ходимлар касаба уюшмаси имтиёзларидан кенг фойдаланамиз, – дейди Азиза Зайнутдинова. – Яқиндагина 60 нафар педагог Самарқанд шаҳрини зиёрат қилиб келдик. Ўзим август ойида «Чортоқ» санаторийсида дам олдим. Сиҳаттоҳдаги таассуротларим бир олам. Хилма-хил муолажалар, гўзал табиат қўйнига саёҳатлар, санъаткорлар ижросидаги турфа маданий дастурлардан куч-қувватга тўлиб, кўтаринки руҳда уйга қайтдим. Муносиб меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиб бераётган касаба уюшмасидан миннатдорим!

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»

«Илтимоc, салфетка сотиб олинг!»

ПУЛ СЎРАБ ЧЎЗИЛГАН ЖАЖЖИ ҚЎЛЛАР ВА ИЛТИЖОЛИ НИГОҲЛАР ҚАРШИ СИДАГИ ЎЙЛАР

Кўча-кўйда, савдо мажмуалари, ресторанлар яқинида, ер ости ўтиш жойларида сиз ҳам бу ҳолатга дуч келгансиз: «Илтимоc, битта салфетка сотиб олинг» дея илтиж билан юрган болалар... Баъзан эса бу болалар қийналиб қолгани ёки қимнингидир касаллигини айтиб, «нонга», «дорига ёрдам беринг», деб қўл чўзишади. Кўпинча эътиборсизлик билан ўтиб кетадиган бу ҳолатлар ортида жуда катта муаммолар борлигини кўпинча англамаймиз. Бу юзлаб, минглаб беғубор гўдаклар кимларнингдир хатоси тўғрисида «бадал» тўлапти. Аслида пул топиш илтижиде юрган болаларнинг бугун жамиятда яхши таълим-тарбия олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Уларнинг ҳам ўқишга, яхши яшашга, орзу-мақсадларини амалга оширишга ҳақи бор. Лекин айрим ота-оналар томонидан оилаларда мажбурий меҳнатга муносабат ўзгармасдан, маиший эъравонликлар ҳамон сақланиб қолаётгани бунга тўсиқ бўлмоқда. Ахир болага тиланчилик қилишни кимдир ўргатмаса, унинг хаёлига ҳам келмайди-ку!..

алоҳида эътибор қаратилди. Мажбурий ва болалар меҳнатига барҳам беришнинг қонунчилик асослари кучайтириб борилмоқда. Жумладан, 2018-2021 йилларда тегишли кодекс ва қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, болалар меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслик тўғрисидаги талабларни бузиш ҳамда меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш каби хатти-ҳаракатлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик кучайтирилди.

Конституциямизга кўра, боланинг соғлиғига, ҳавфсизлигига, жисмоний, ақлий, руҳий ривожланишига ва унинг таълим олишига ҳавф соладиган ҳар қандай мажбурий меҳнат тақиқланади. Болаларни мажбурий меҳнатга жалб қилганлар тўғрисида тўғри жиноий жазога тортиладиган бўлди. Умуман олганда, давлатимиз бунинг учун таъсирчан чоралар кўрмоқда.

Тиланчилик билан шуғулланиш ҳам қонун билан тақиқланганини эса кўпчилигимиз билмаймиз.

МАДИНАНИНГ ОРЗУСИ...

Бу мавзуга қўл уришдан олдин одамлар гавжум жойларда ёрдам сўраган, ҳўл сочиқлар сотиб юрган бир неча болалар билан суҳбатладим.

Буёқ Ипак йўли метроси томонда эдим. Бир қизча олдимга келиб, қўлини чўзди: «Озгина нонга пул беринг, илтимоc». Қизчага бошдан-оёқ разм солдим. Сочлари, уст-боши, қўллари кир, аянчли аҳволда. Кўнглим бузилиб кетди, пул бердим. Исмими сўрадим.

– Мадина, – деб жавоб берди.

Қаерда туришини сўрадим, лекин жавоб ололмадим.

– Онам, ҳеч кимга айтма, деганлар, – деб қўйди холос.

– Пулларга ҳар кун нон оласанми, – деб сўрадим яна.

– Ойимга бераман, пул олиб бормасам уйга киргизмайдилар, – деди қизча ерга қараб.

Отаси ҳақида сўраганим, вафот этганини айтди.

– Келажақда ким бўлмоқчисан, – деб сўрадим.

– Ойи бўламан, энг яхши ойи бўламан, пул топиб кел, демайман боламга – деди.

Қизалоқнинг бу гапларини эшитиб жуда ҳайратда қолдим. У қандай онаки, ўз фарзандини бунчалик хор қилиб қўйиши мумкин?

Ўзини Улугбек, деб таништирган 8 ёшли болани «Корзинка» супермаркети олдида учратдим. Унинг айтишича, ҳар кун машина гилди-

рақларини қорайтириш орқали кунига ўртача 50-100 минг сўмгача пул ишлаб топади.

– Ҳайдовчилардан машиналари боланини қорайтириб беришимни сўрайман, кимлардир рози бўлади, кимлардир эса шарт эмас, деб қўлимга шунчаки пул бериб кетади. Онам ва опам билан бирга яшаймиз. Топган пулимни онамга олиб бораман, рўзғорга ишлатади.

– Мактаб-чи, дарсларга бормай-сизми, – деб сўрадим.

– Яқинда ёзи каникулда эрта-лабдан кечгача ишладим, ҳозир дарсдан кейин келаман-да.

– Келажақда қайси касбни танламоқчисиз? Мактабда яхши ўқийсизми, дарсларни қилишга қачон улгурасиз?

– Катта бўлсам, магазинларим бўлади, яхши яшайман. Мактабда ўқийман, лекин уйда дарс қилмайман, тез ухлаб қоламан.

Уқий десам, онам кўиналади... Болажон келажақда тадбиркорми, бизнесмени бўлишни мақсад қилгандир, балки. Дарсдан кейин кечгача пул топиш илтижиде

сарсон-саргардон юриб, уйига бориб ухлаб қолиши ўқишга, ўрганишга имкон бермаслиги аниқ. Киши куюнадиган томони ҳам шу-да, аслида.

15 ёшлар атрофидеги бола билан суҳбатлашганимизда у ўзининг исмини айтишни хоҳламади. Унинг айтишича, отаси ичкиликка берилган, уни «ишлаб пул топиб кел» деб уйдан чиқариб юборади.

– Ҳар кун шу ерга чиқиб, машина гилдирақларини тозалайман, шунинг ҳисобига одамлар пул беришади. Баъзан садақа, деб пул бериб кетишади. Онам ҳар доим биз ўқимадик, сен ўқи болам, дейди. Ниятларим кўл, ҳали ўқийман, оиламизга сал қарашай, кейин-да. Ҳозир дадам ичкисини ташласа бўлди, қолгани бир гап бўлар, – дейди у.

Бу болалар орасида биров айтмаса ҳам касал онаси, ногирон дадасига бошқа чораси йўқлигидан ёрдам беришни истаб кўчага чиққанлари оз эмас. Тақдир тақозоси билан шунга мажбур бўлаётган бу жажжиларни айбдор қилишдан йироқмиз. Аслида болаларнинг қалби тоза бўлади. Улар тез улғаяди, уларга тўғри йўл кўрсатилса, ажойиб инсонлар бўлиб улғайиши мумкин... Гап масаланинг иккинчи томонида. Уларнинг келажаги яқинларини, ота-онасини қизиқтирмаймиди?

Долзарб мавзу

Енгил-елли даромад топишга ўрганган, таълимдан, тарбиядан узилган боланинг келажаги-чи? Унинг кундалик юмушлари келажаги, орзулари, мақсадлари билан бир чорраҳада кесиша, кейин нима бўлади? Мана асосий масала, кўнгил увишиб, кишини ўйлантирадигани ҳам аслида шунда. Биз бунга кўз юммаслигимиз керак. Тиланчилик болани бошида майда безориликка, кейинчалик жиноятга бошламаслигига ким қафолат беради?! Тиланчилик тирикчилик эмас, деб бежиз айтишмайди-ку ахир!

Шу кун кўпга болалар билан суҳбатладим, негадир ҳаммасида жавоб бир-бирига ўхшаш эди. Қўлида фарзанди билан «боламга нон пули беринг», деб юрган аёллар эса саволимизга жавоб ҳам бермади, кўрслик ва дағдағи билан йўлида кетаверди...

КўНИККАНИ ЁМОН...

Фарзанд – бебаҳо неъмат. Меҳнат эса одамнинг зийнати. Болаларни меҳнатга ўргатиш муҳим, албатта. Лекин бунга тўғри ёндашиш зарур, деб ўйлаймиз.

Тўғри, мактабдан кейин ёки таътил пайтларида оиласи даромадига улуш қўйиш мақсадида боланинг уй, оилавий ҳамда қишлоқ хўжалиги ишларида ота-онасига ёрдам бериши бола меҳнати ҳисобланмайди. Бу боланинг ривожланишига, қайсидир касбга қизиқишига, унда кўникма ва тажрибага эга бўлишига ёрдам беради. Аммо уларни тиланчиликка жалб этиш жамият учун ҳам, ўша оила учун ҳам, фарзанд учун ҳам яхшиликка олиб келмаслиги кундек равшан. Бу улар учун руҳий, жисмоний, ижтимоий ёки маънавий жиҳатдан ҳавфли, мактабда ўқиш имкониятини истисно этадиган фаолият туридир. Демак, тиланчилик вояга етмаганларга нисбатан эъравонликдир!

Бола атрофга ўз болаларча дунёқараши, беғубор нигоҳи билан қаради. Шунинг учун улар ўзларига ҳавф солаётган воқеаларни, жараёнларни фарқлай олмайди, баҳолашмайди ҳам. Кунини тиланчилик билан ўтказган, кимнингдир зуғуми, эъравонлиги остида улғайган болада тиланчилик пул топишнинг ағона йўли, деган тасаввурни, кўникмани пайдо қилиши аниқ. Дунёни эндигина англай бошлаган пайтдаёқ онг-шуурини кўполик, оиладаги палла-партиш ҳаёт тарзи билан тўлдириган фарзанддан эртага қандай инсон чиқади, улар ким бўлиб етишади? Уларнинг кўзига боқсангиз бутун олам ташвишларини кўргандек бўласиз.

Ҳаёт ҳар доим ҳам биз ўйлаганчalik текис ва раван эмас. Аслини олганда, тиланчилик бу меҳнатдан қочиб дегани. Андишани бир четга суриб, тайёр даромадга ўрганиб қолган дангасаларнинг «касиби».

Ўзбекистонда ушбу масалалар қонун билан тартибга солинган бўлса-да, нега тиланчи болалар ҳали-ҳамон кўчаларда атрофдагиларга қўл чўзаяпти? Ота-оналар нега фарзандларини ишлашга ундаяпти?

Демак, қонун ва унинг моҳиятидан ҳаммамиз ҳам тўлиқ хабардор эмасмиз. Қолаверса, айрим юртдошларимизнинг оилага, фарзандга, жамиятга бўлган тушунчасида кемтиклик мавжуд. Шу сабаб тоғни урса талқон қилишга қодир эркаклар, ҳаётда бир оз қийинчиликка дуч келган хотин-қизлар ҳам болаларини тиланчиликка ундашмоқда, уларни пул топишга мажбур қилишмоқда. Бу беғубор гўдаклар эса болалигидан, таълимдан, балки келажагидан маҳрум бўлаётди.

Бунга чек қўйиш фурсати етди. Зеро, бу жамият эртаси, миллат истиқболи билан боғлиқ масала. Боланинг эса бегонаси бўлмайди. Шундай эмасми?

Лазиза ШЕРОВА,
журналист

«Ishonch»га жавоб берадилар...

«СУРБЕТ» СМСлар
ёҳуд рухсатсиз юборилаётган телефон хабарномалари ҳусусида

Автоматик равишда юборилган SMS хабарномалари билан алоқани ўқиб олишнинг асосий асослари ҳақида... (text continues)

НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ ТАДБИРЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

«Ishonch» газетасининг 2023 йил 9 сентябрь сониде «Сурбет» СМСлар ёҳуд рухсатсиз юборилаётган телефон хабарномалари ҳусусида» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди.

Унга Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси қўйидаги мазмунда муносабат билдирди:

2022 йилнинг 7 июнь кунини «Реклама тўғрисида»ги ЎРҚ-776-сонли Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. Мазкур қонуннинг 30-моддасида телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш чоғидаги реклама соҳасидаги муносабатлар тартибга солинади. Унга кўра, телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш чоғида рекламани тарқатишга фақат башарти абонент олдиндан розилик берсагина йўл қўйилиши назарда тутилган.

Бироқ бугунги кунда фуқароларнинг абонент рақамларига реклама кўринишидаги ахборотлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатувчи субъектлардан эмас, балки жисмоний ҳамда юридик шахслар томонидан юборилмоқда. Бу эса ўз навбатида фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келмоқда.

Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари кўмитаси ўзининг иш режасига мувофиқ рекламаларнинг айланishi соҳасига оид масалаларни ўрганиш мақсадида жорий йилнинг ноябрь ойида «Реклама тўғрисида»ги ЎРҚ-776-сонли Ўзбекистон Республикасининг қонунининг ижро ҳолатини ўрганишга бағишланган назорат-таҳлил тадбирини ўтказишни режалаштираётганини маълум қиламиз.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси раиси
И.АБДУЛЛАЕВ



МИССИОНЕРЛИК ВА ПРОЗЕЛИТИЗМ

УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТ ШАКЛЛАРИ, ИЖТИМОЙ ХАВФИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ УСУЛЛАРИ

Бугунги глобллашув даврида миллатни, ўзликини, эътиқодни сақлаб қолиш ўта мушкул вазифага айланди. Чўнқи ёвуз кўчлар турли миллат ва элатларни бир қолипга солиш устида бош қотиришмоқда ва бу борада аллақачонлар ишга киришганлар. Уларнинг асл мақсадлари аниқ: қандай бўлмасин, жамиятни таназзўлга дўчор қилиб, миллатларни умумлаштириш. Шунга кўра, турли оқимлар ва миссиялар тарғиб қилинмоқда. Миссионерлик ва прозелитизмни ҳам уларнинг сирасига киритиш мумкин.

Агар мазмун-моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, миссионерлик ва прозелитизм дин билан боғлиқ ҳолда шаклланган ва мутаассибликка асосланган ҳодисалар ҳисобланади. Жумладан, «миссионерлик» сўзи латинча «missio» феълидан олинган бўлиб, «юбориш», «вазифа топириш», «миссионер» эса «вазифани бажарувчи» деган маъноларни англатади. Миссионерлик бир динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилишга боғлиқ назарий ва амалий фаолият саналади.

Прозелитизм эса тўғридан-тўғри бирон-бир динга ишонган фуқарони ундан воз кечишга ва ўзга динни қабул қилишга мажбурлаш демакдир.

Диний секта деганда, маълум бир диндаги расмий ақидаларга зид равишда ажралиб чиққан

ёки мавжуд динлар ва конфессияларга умуман алоқаси бўлмаган ҳолда дин байроғи остида фаолият кўрсатадиган гуруҳлар тушунилади. Бугунги кунда ҳар иккала йўналишга мансуб тахминан 5000 та секта фаолият кўрсатмоқда.

Миссионерлар ўз фаолиятларини йўлга қўйиш учун муҳим ҳудудларни белгилаб оладилар. Глобал даражадаги миссионерлик лойиҳаларида алоҳида мамлакат ёки минтақа эътиборда тутилади. Ҳозирги кунда христиан миссионерлари, асосан протестант марказларининг диққат-эътибори ўзлари «10-40 ойна» деб атаган ҳудудга қаратилган. У шимол-кеңгликнинг 10- ва 40-параллеллари орасидаги Африканинг ғарбда – Атлантика океани қирғоқларидан Чичик ва Марказий Осиё, Арабистон ярим ороли, Жанубий Осиёнинг Тинч океани қирғоқларига қадар чўзилган.

Маълумотларга кўра, дунёдаги жами миссионерларнинг учдан икки қисмини христиан миссионерлари ташкил этади. Хусусан, протестантлик замонавий миссионерликнинг асосий ҳомийси бўлиб қолмоқда. Уларнинг фаолияти кўпга давлатларда катта муваффақият келтирган. Бугунги кунда Жануби-шарқий Осиёдаги буддавийликка аънавий равишда эътиқод қилиб келган айрим мамлакатлар аҳолисининг

катта қисми христианликка эътиқод қилиши ана шундай зафарли юришлар натижасидир.

Дастлабки халқаро христиан миссиялари 1910 йилда Шотландиянинг Эдинбург шаҳрида пайдо бўлган. Эндликда эса юзлаб шундай мақомга эга миссиялар фаолият юритмоқда. Уларни янада ривожлантириш, етарли моддий, маънавий ва инсон ресурслари билан таъминлаш жуда яхши йўлга қўйилган. Тамойилга кўра, халқаро миссияни ташкиллаштиришда маълум бир конфессиянинг барча бўғинлари қатнашади.

Умуман, миссионерликка тарғиб қилишнинг кўпга усуллари ва йўналишлари бор. Ўз навбатида, унинг олдини олишнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган ва бу бизнинг Бош Қомусимизда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Чўнқи, унинг 31-моддасида «Ҳамма учун виждон эркинлиги қафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран синдиришга йўл қўйилмайди», деб таъкидланган. 18-моддасида эса, «Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва

ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдилар» дейилган.

Бундан ташқари, миссионерлик ва прозелитизмга боғлиқ ноқонуний ҳаракатлар учун Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан жавобгарлик белгиланган. Масалан, диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб кириш ёки тарқатиш, йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини, диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимларга ўтказиш қоидаларини бузиш, ғайриқонуний нодавлат-нотижорат ташкилотлари, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш, вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Албатта, ҳар бир фуқаро қонунларга қатъий риоя қилиши керак. Ана шунда у нотўғри йўлга кирмайди ёки эгри оқимларга қўшилиб қолмайди.

Бобурбек РАЖАБОВ,
ИИБ Транспорт ва туризм объектларида хавфсизлиқни таъминлаш департаментининг Терроризмга қарши курашиш бўлими ходими

Мулоҳаза



УММОН ОРТИНИ ЁРИТГАН НУР

Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллигига

Дунё илм-фани тарихида ёрқин из қолдирган улғу мутафаккир ва қомусий олим Абу Райхон Беруний ўз даврида 150 дан ортиқ илмий асар ёзган. Уларнинг 40 тага яқини бизгача етиб келган. Кўплари ўзбек, инглиз, рус, форс, немис ва бошқа тилларга таржима қилинган.

Олимнинг асарлари мавзу жиҳатидан ғоят кенг қамровли бўлиб, математика, физика, астрономия, маъданшунослик (минералогия), геодезия, картография, метеорология, доришунослик, этнография, тарих (маданият ва динлар тарихи), филология ва фалсафа фанлари соҳаларига мансуб бебаҳо илмий меросдир. Улар ўша вақтлардаёқ дунёнинг турли ҳудудларига етиб бориб, маҳаллий тилларга таржима қилинган.

XIII асрда яшаган суриялик тарихчи ва табиб Христиан Иоанни Баррей Берунийни шундай таърифлайди: «Юнон ва ҳинд фалсафаси денгизини кечиб ўтган Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний ўтмиш илмларни ўрганишида мислсиз шухрат қозонди. У математикага оид илмларда тенгсиз мутахассис бўлиб, бу соҳага доир муҳим китоблар яратди. Ҳиндистонга бориб, у ерда бир неча йил яшади, ҳинд файласуфларидан уларнинг санъатини ўрганди, айни чоғда, уларга юнон фалсафасидан сабоқ берди. Унинг асарлари етук ва ниҳоятда ишончлидир. Ўз даврида, ундан сўнра ҳозирга қадар фазошунослик илмида бундай билимдон, бу илмнинг асоси ва нозик хусусиятларини чуқур биладиган олим бўлмаган».


Тарихда «Маъмун академияси» номи билан машҳур «Дорул ҳикма»ни бошқаради. Бу илм масканига таниқли олимларни жалб этади, уларга зарур шарт-шароитлар яратиб беради. Жамоанинг изланишлари зое кетмайди — ушбу даргоҳда илмий тафаккур ривожига жуда катта ҳисса қўшган ноёб асарлар яратилади.

Беруний одамлар ижтимоий ҳаётда ўзига хос «шартнома» асосида яшай бошласалар, ўз эҳтиёжларини тўғри тушуниб, ўзларига ўхшаш кишилар (ҳамфикрлар) билан бирга яшаш зарурлигини англай бошлайдилар, деб ҳисоблайди. Шу сабабли турли ҳаётий ҳолатларда ўзаро келишувчанлик зарурлигига ишонади. Унинг ижтимоий мавзудаги асарларида «Жамиятни бошқаришда жамият подшоҳга эмас, подшоҳ жамиятга хизмат қилиши керак», «Одил ҳокимнинг муҳим вазифаси — олий ва паст табақалар, кучлилар ва кучсизлар орасида тенглик, адолат ўрна -

рида, ундан сўнра ва ҳозирга қадар фазошунослик илмида бундай билимдон, бу илмнинг асоси ва нозик хусусиятларини чуқур биладиган олим бўлмаган».

Хоразмдаги илмий фаолияти мо-байнида Беруний минералогия соҳасига бағишланган «Китоб ал-жамохир фи маърифат ал-жавоҳир» («Қимматбахо жавоҳирлар ҳақида билимлар китоби») номли машҳур асарини ёзади. Бу асар бадий адабиёт, инсон одоб-ахлоқи, таълим-тарбия ва бошқа маънавий жиҳатларга тааллуқли таъсирчан мушоҳадаларга, турли халқларнинг қимматбахо тошлар билан боғлиқ урф-одатларига оид маълумотларга бойлиги билан ажралиб туради. Олим ўзининг кўп йиллик илмий изланишлари, амалий тажрибалари натижаларини минерал ва металллар ҳақидаги ноёб хулосалари билангина эмас, бошқа халқларнинг ҳаёти, тарихи, турмуш тарзи ва адабиётидан олинган маълумотлар билан ҳам бойитган. Шу билан бирга, китобда минерал ва маъданларнинг солиштирма оғирлиги, ўз давридаги баҳоси, айримларининг шифобахшлик хусусиятлари, қимматбахо тошларга боғлиқ халқ орасидаги ирим-сиримлар ҳақида ҳам қизиқarli маълумотлар келтирилдики, улар асарнинг ноёб ва ишончли тарихий манба сифатидаги аҳамиятини янада оширади.

«Минералогия»да Беруний саксон тўртта шоир номини ва уларнинг асарларидан парчалар келтиради, баъзи шетьрларни танқидий таҳлил қилади. Шарқшунос И.Крачковскийнинг ёзишича, асарда Курьондан келтирилган кўплар парчалар олимнинг ушбу муқаддас китобини чуқур билишидан далолатдир. У қизиққан илм соҳаларидан кўра, қизиқмаган соҳаларини санаб ўтмиш осонроқдир. «Минералогия» йиллар, аслар ўтса-да, юксак маъно-моҳиятини йўқотмайдиган асар саналади. Шу боис у 2017 йили Навоий кон-металлургия комбинати раҳбариятининг сый-ҳаракати билан ўзбек тилига ўғирилди.



олият олиб борган, юнон, форс, ҳинд тилларидан машҳур асарларини арабчага таржима қилишга ҳисса қўшган. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ёзганидек, «Америка — сеҳрли диёр, Ухлар эди Колумб ҳам ҳали. Денгиз ортин ёритди илк бор — Берунийнинг ақл машъали».

Тарихий маълумотларга кўра, биринчи минг йилликнинг сўнгги йилларида қорахонийлар сомонийлар давлатини маҳв этгач, Хоразмда илмий фаолият билан шуғулланиш мураккаблашди. Шу боис ёш Беруний ўз юртини ташлаб кетишга, бир неча йил давомида Журжонда, Техронга яқин Рай шаҳрида яшашга мажбур бўлади, мусофирлик азоб-укубатларини бошидан кечиради. 1010 йилга келиб, ўз юртида осойишталик юзага келгач, Маъмун II нинг марҳамати билан Урганчга келади.

XIII асрда яшаган суриялик тарихчи ва табиб Христиан Иоанни Баррей Берунийни шундай таърифлайди: «Юнон ва ҳинд фалсафаси денгизини кечиб ўтган Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний ўтмиш илмларини ўрганишида мислсиз шухрат қозонди. У математикага оид илмларда тенгсиз мутахассис бўлиб, бу соҳага доир муҳим китоблар яратди. Ҳиндистонга бориб, у ерда бир неча йил яшади, ҳинд файласуфларидан уларнинг санъатини ўрганди, айни чоғда, уларга юнон фалсафасидан сабоқ берди. Унинг асарлари етук ва ниҳоятда ишончлидир. Ўз дав-

т и ш - дан иборат» деган фикрлар бор.

Аҳмаджон МЕЛИБОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист



Анжуман
Адабиёт назариясида шеърятнинг иккита муҳим вазифаси борлиги қайд этилади. Биринчиси — ўқувчига фикр бериш, иккинчиси — туйғуларига таъсир этиш. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, Фахриёр (Фахриддин Низомов) ижоди, шеърят назариянинг бу икки вазифасини ҳам тўла-тўқис бажаради.

ФАХРИЁР
ИЗЛАМ (Румиёна)
Мен ўзимни сандан изладим.
Излаш азобининг тотлари тополмаслик сингари қадим.
Мен сенга сочлидим тариқдай.

Мен сандан тераман ўзимни,
битталаб ўзимни тераман.
Сен-чи, менадан йиғсан кимни,
мен сенга кимларни бераман?

Сендан ўзни тополмаслик ўйи
юрагимга солар ваҳима.
Ислам — ўйин, гизланмоқ — ўйин,
раҳмон раҳм этмас оҳима.

Раҳми келган ёлғиз сеннимка,
менга излам имконин берган?
Ўзни тополмаган менмикан,
ўз ўрнига маломат терган?

Дард шаклини чизган шоир

Фахриёрнинг ижоди, аввало, ўзбек шеърятини янги йўналишни бошлаб бергани билан, қолаверса, фикр утағовини, инсоннинг эътиборидан четда қолган ёки илғамган манзара ва таъаввурни жонлантира олиши, чертиб-чертиб ишлатилган сўзлар ўйини ҳамда кучли мазмун орқали ҳис-туйғуларга таъсир этиши билан бошқалардан ажралиб туради. Шу боис Фахриёрни айримлар «тириклик» шоири деса, айримлар «модернист», яна бир гуруҳ эса «пост модернист» дея таърифлайди.

Шу йилнинг 5 октябрь куни шоир ва таржумон, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Фахриёр таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида «Янги давр адабиётида Фахриёр ижодининг ўрни» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда Низомиддин Маҳмудов, Эшқобил Шукур, Улуғбек Ҳамдам, Ғайрат Мажд, Назар Эшонқул, Қозоқбой Йўлдошев, Жаббор Эшонқул каби шоир, ёзувчи ва адабиётшунослар, хоризмлик тадқиқотчилар ва шеърят мухлислари қатнашди.

Адабиёт доим янгилини келган, ундаги янгиликни қабул қилиш эса адабиётдаги анъанавий услуга ўрганган айрим тоифа ва авлодлар учун бироз қийин кечган. Жумладан, Фахриёрнинг ўзбек адабиётига олиб кирган модернизм йўналишини ҳамма тушунмаслиги мумкин. Шу боис унинг шеърятини ҳослар шеърятини деб ҳам атаган бўлардим. Уни ўқиш учун ўқувчи тайёргарлик кўрган бўлиши керак, — деди ёзувчи Улуғбек Ҳамдам.

Тадбирда қайд этилганидек, шоирнинг ана бир ютуғи, у рус ва инглиз тилини ҳам мукаммал билади. Рус ва Европа адабиёти билан яхши таниш. Шу боис, анча йиллардан буён ўзбек шеърятини дунёга олиб чиқишда катта жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Қолаверса «Америка ҳикоялари», «Бир болага етти маҳалла ота-она», «XXI асрда ислом: Постмодерн дунёда қиблани топиш» каби китоблари орқали ўзбек китобхонларини хоризм ёзувчиларининг энг сара асарлари билан таништиришга ҳам муносиб ҳисса қўшган. «Сарой жавоҳири», «Яхши-ёмон йигитлар», «Федерал полиция» каби халқимиз кўнглидан жой олган бир қанча сериал ва бадий фильмларни ҳам маҳорат билан ўзбекчалаштирган.

Анжуманда россиялик Михаил Синелников, озарбайжонлик Акбар Қўшали, туркиялик Фотима Хоним каби шоир ва таржумонлар онлайн тарзда ўз чиқишлари билан иштирок этиб, Фахриёрнинг шеърлари ва таржумонлик маҳоратини таҳлил қилди.

Тадбирда иштирокчиларга «Академнашр» нашриёти томонидан шоирнинг таваллуд санасига туҳфа сифатида тайёрланган ва янги шеърлар билан тўлдирилган «Ислам» шеърини тўплами совға қилинди.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

Мен сандан тераман ўзимни,
битталаб ўзимни тераман.
Сен-чи, менадан йиғсан кимни,
мен сенга кимларни бераман?

Сендан ўзни тополмаслик ўйи
юрагимга солар ваҳима.
Ислам — ўйин, гизланмоқ — ўйин,
раҳмон раҳм этмас оҳима.

Раҳми келган ёлғиз сеннимка,
менга излам имконин берган?
Ўзни тополмаган менмикан,
ўз ўрнига маломат терган?

Мен сандан тераман ўзимни,
битталаб ўзимни тераман.
Сен-чи, менадан йиғсан кимни,
мен сенга кимларни бераман?

Мен сандан тераман ўзимни,
битталаб ўзимни тераман.
Сен-чи, менадан йиғсан кимни,
мен сенга кимларни бераман?

Сендан ўзни тополмаслик ўйи
юрагимга солар ваҳима.
Ислам — ўйин, гизланмоқ — ўйин,
раҳмон раҳм этмас оҳима.

Раҳми келган ёлғиз сеннимка,
менга излам имконин берган?
Ўзни тополмаган менмикан,
ўз ўрнига маломат терган?

Мен сандан тераман ўзимни,
битталаб ўзимни тераман.
Сен-чи, менадан йиғсан кимни,
мен сенга кимларни бераман?

Мен ўзимни қилдим маломат,
сенга қудуратдан асрасин!
Сендан келар ҳар неки омад,
мендан — омадсизлигим насиб.

Йўқотмоқнинг муқаррарлиги
тендир топмоқ эҳтимолга.
Омонат — дунёда борлигини,
абдийдир йўқлигини. Нега?

Унда нега сандан изладим
мен ўзимни, қонимга ташна?
Имконландим, имконсизландим
гоҳ интиқиб, гоҳида қажиб.

Кимни олиб кетди бу фано,
сеними, сендаги менчи ё?
Менми, сеними, айт-чи, ким
қанчи, қайсимизда адашди дунё?

Сен ким бўлиб менга қайтарсан,
мен қайтарман сен томон ёҳуд?
Менга кимлигини айттарсан,
Маширабмисан ё Бозор Охунд?

Бу йўллар саргарди — келмасан,
мен ўзимни бунчалар кутдим?
Қанчалар кутганим билмасан,
қанча-қанча изламлар ўтди.

Сени изламадим. Изладим
сендан мен ўзимни тинимсиз.
Топмадим, бўзладим, музладим,
кўзларимда қасирлайди муз.

Мен сандан тераман ўзимни,
битталаб ўзимни тераман.
Сен-чи, менадан йиғсан кимни,
мен сенга кимларни бераман?

Мен сандан тераман ўзимни,
битталаб ўзимни тераман.
Сен-чи, менадан йиғсан кимни,
мен сенга кимларни бераман?

Сендан ўзни тополмаслик ўйи
юрагимга солар ваҳима.
Ислам — ўйин, гизланмоқ — ўйин,
раҳмон раҳм этмас оҳима.

Раҳми келган ёлғиз сеннимка,
менга излам имконин берган?
Ўзни тополмаган менмикан,
ўз ўрнига маломат терган?

Мен сандан тераман ўзимни,
битталаб ўзимни тераман.
Сен-чи, менадан йиғсан кимни,
мен сенга кимларни бераман?

Мен сандан тераман ўзимни,
битталаб ўзимни тераман.
Сен-чи, менадан йиғсан кимни,
мен сенга кимларни бераман?

Сендан ўзни тополмаслик ўйи
юрагимга солар ваҳима.
Ислам — ўйин, гизланмоқ — ўйин,
раҳмон раҳм этмас оҳима.

Раҳми келган ёлғиз сеннимка,
менга излам имконин берган?
Ўзни тополмаган менмикан,
ўз ўрнига маломат терган?

Мен сандан тераман ўзимни,
битталаб ўзимни тераман.
Сен-чи, менадан йиғсан кимни,
мен сенга кимларни бераман?

Мен сандан тераман ўзимни,
битталаб ўзимни тераман.
Сен-чи, менадан йиғсан кимни,
мен сенга кимларни бераман?

Сендан ўзни тополмаслик ўйи
юрагимга солар ваҳима.
Ислам — ўйин, гизланмоқ — ўйин,
раҳмон раҳм этмас оҳима.

Раҳми келган ёлғиз сеннимка,
менга излам имконин берган?
Ўзни тополмаган менмикан,
ўз ўрнига маломат терган?

Мен сандан тераман ўзимни,
битталаб ўзимни тераман.
Сен-чи, менадан йиғсан кимни,
мен сенга кимларни бераман?

MYACCS: O'zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi
«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:
Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullol AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqsim SHOISLOMOV, Hamidulla PHIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAROVA, Anvar QULMURADOV
(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosi), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib — «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib — «Ishonch-Doverie»)
Bosh muharrir Husan ERMATOV
Bo'limlar: Kasaba uyushmalar hayoti — (71) 256-64-69, Huquq va xalqaro hayot — (71) 256-52-89, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — (71) 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — (71) 256-85-43, Marketing va obuna — (71) 256-87-73
Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-99) 889-98-20, Andijon viloyati — (+998-99) 889-90-23, Buxoro viloyati — (+998-99) 889-90-31, Jizzax viloyati — (+998-99) 889-90-34, Namangan viloyati — (+998-99) 889-98-02, Navoiy viloyati — (+998-99) 889-90-28, Samarqand viloyati — (+998-99) 889-98-26, Sirdaryo viloyati — (+998-99) 889-98-55, Surxondaryo viloyati — (+998-99) 379-19-70, Toshkent viloyati — (+998-99) 600-40-44, Farg'ona viloyati — (+998-99) 889-90-24, Xorazm viloyati — (+998-99) 889-98-01, Qashqadaryo viloyati — (+998-99) 889-90-27
«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
Navbatchi muharrir: Z. Rixsiyev
Musahhihlar: D. Xudoyberganova, D. Ravshanova
Sahifalovchi: H. Abdullajlovi
Bosishga topshirish vaqti — 23:50
Topshirildi — 00:20
Bahosi kelishilgan narxda
Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz
Tahririyat hisobraqami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATIB «potekba bank», Yashnobod filiali, bank kodi: 00959, STIR: 201133889, OKED: 58130
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-1013
Nashr ko'rsatkichi: 133 1 2 3 4 5 6
Umumiy adadi 30344
14013 nusxasi «Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonamanzili: Toshkent shahri, Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.